O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 29 декабрь, № 253 (4152) Жума

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Ўзбекистон номини жаҳон спорт майдонларида юксакларга кўтараётган ҳамюртларимиз орасида Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Бу бежиз эмас. Чунки Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳбарлигида Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ҒОЛИБ СПОРТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Сўнгги уч йил ичида Мудофаа вазирлигига қарашли спорт мажмуалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жиҳозлаш ва таъмирлашга беш юзу ўн бир миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлангани фикримизни исботлайди. Бундан ташқари, икки йилдан буён чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга спорт кийим-кечаклари билан кузатилмоқда.

Албатта, спорт машғулотларида тобланган, ҳар жиҳатдан чиниққан аскар ўз олдига қўйилган вазифани сидқидилдан уддалайди.

Дарвоқе, бу йил Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн беш йиллик байрамига ҳарбий спортчилар катта совға ҳозирладилар. Эсингизда бўлса, яқинда Қатар пойтахти Дохада якунланган XV Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар 40 та медал (11 та олтин, 14 та кумуш ва 15 та бронза)ни қўлга киритганди. Қувончлиси, уларнинг 22 таси Қуролли Кучлар вакиллари ҳиссасига тўғри келади. Шундан 12 таси Мудофаа вазирлиги спортчиларига тегишли. Кўриниб турибдики, мамлакат терма жамоаси қўлга киритаётган медалларда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган спортчиларнинг ўрни алоҳида

Бугун Қуролли Кучлар хизматчилари, боксчилар, халқаро тоифадаги спорт усталари — Элшод Расулов, Жасур Матчонов, Дилшод Маҳмудов, Бекзод Хидиров, дзюдочилар Рамзиддин Саидов ва Ўткир Қурбонов, енгил атлетикачилар Анастасия Журавлёва ва Леонид Андреев, байдарка ва каноэда эшкак эшишдан Алексей Бобожонов ва Герасим Кочнев, трамполин бўйича Екатерина Хильколар эришган муваффақиятлар билан ҳар бир юртдошимиз фахрланади.

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида ўтказилган тақдирлаш маросимида ғолиб спортчилар яна бир бор эътироф этилди. Унда мудофаа вазири Р.Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимиз байроғини юқорига кўтарган ҳарбий спортчиларимизни ажойиб ғалабалари билан қутладилар, кейинги мусобақаларда омад тиладилар.

— Мен учун 2006 йил омадли келди, —дейди халқаро тоифадаги спорт устаси Элшод Расулов. — Германияда бокс бўйича ҳарбийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати ва Дохада якунланган XV Осиё ўйинларида менга олтин медалларни қўлга киритиш насиб этди. Энди олдимда Олимпиада мусобақаларида ҳам муваффақиятли иштирок этишни мақсад қилиб қўйганман.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Камолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Давлат бюджетининг соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағларидан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларнинг Тошкент вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

Ижро ва натижа

Маълумки, вилоятда 15 та туман, 6 та вилоятга бўйсунувчи шаҳар мавжуд бўлиб, уларда 2 млн. 472 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бугунги кунда вилоят аҳолисига 92 та шифохона, 352 та амбулатория-поликлиника муассасаси тиббий хизмат кўрсатмоқда. Маърузаларда таъкидланганидек, улар томонидан давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Бироқ ютуқлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам мавжуд.

— Қўмита томонидан олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, — дейди Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Бахтиёр Соатов, — Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларининг таъминланишига берилган эътиборни етарли даражада, деб бўлмайди. Чунки соғлиқни сақлаш муассасаларида бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши ҳоллари кузатилмоқда.

Шунингдек, йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавжуд камчиликларга ҳам эътибор қаратилди.

Сўзга чиққанлар қайд этганларидек, пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирларига оид қатор қарорлар яхши ижро этилмаётир. Беморлардан олинган пул маблағлари банк муассасаларига тўлиқ топширилмаган. Вилоятда мазкур соҳадаги кредиторлик қарзлари жами 778,2 млн. сўмни, дебиторлик қарзлари эса, 2006 йил биринчи октябрь ҳолатига кўра 116,9 млн. сўмни ташкил этган.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Ифтихор

Ватан ҳақида сўз борар экан, аввало, бу муқаддас сўзнинг ўзимиз билмаган ҳолда қон-қонимизга сингиб кетганлигини англаш лозим. Оддийгина мисол. Агар мурғак гўдагимизни етаклаб меҳмонгами ёки бирор бегона жойга олиб борсак, маълум муддатдан сўнг унга ҳеч нарса татимай, «уйга кетамиз» деб хархаша қилганча йиғлай бошлайди. Чунки ўша гўдак ҳам фақат ўзи улғаяётган маскандан ўзга жойга ўрганолмайди, бошқа жойда ўз уйидек ҳузур-ҳаловат топиб яйрамайди.

Кўргазма

Россия Федерацияси — мамлакатимизнинг стратегик ҳамкори. Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг ҳар томонлама ривож топаётгани бунинг ёрқин исботидир.

Ҳамкорлик ифодаси

Айниқса, давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари, ҳукумат ва бизнес доира вакилларининг ўзаро музокаралари натижаси ўлароқ, икки мамлакат тадбиркорларига яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар бугун ўз самарасини бераётир: янгиданянги саноат корхоналари ишга тушаяпти, эскилари таъмирланиб, тўлиқ қувват билан фаолият юритмоқда.

Буларнинг барчаси «Тошкент Фотосуратлар уйи»да Ўзбекистон Бадиий академияси ва Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилган "Стратегик ҳамкорлик ҳаракати" кўргазмасида акс этган.

Ушбу кўргазмада сўнгги йилларда икки томонлама ҳамкорлик натижасида нимага эришган бўлсак, барчаси намойиш этилмоқда. Ишга тушган завод-фабрикалар, олимларимизнинг илмий-техник изланишлари, таълим, маданият соҳасидаги эришилган ютуқлар — ҳаммаси стратегик ҳамкорлик ифодаси сифатида кўргазмага ташриф буюрганларга манзур бўлаётир.

Қобил ХИДИРОВ.

ФАОЛ ЁШЛАР — ЭЛ-ЮРТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йил 4 августдаги Фармонига биноан, Ватанимиз шон-шуҳрати ва халқаро нуфузини янада оширишга муносиб улуш қўшаётган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, намуна кўрсатаётган йигит-қизлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши қарори асосида "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланаётир.

Жорий йилда таълим, илм-фан, маданият, санъат, ишлаб чиқариш, спорт, қишлоқ хўжалиги, ҳуқуқ ва ҳарбий соҳаларда ўқиётган, ишлаётган ҳамда илмий-ижодий фаолият билан шуғулланаётган навқирон йигит-қизларимиздан бир гуруҳи ушбу мукофот соҳиби бўлди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси А.Алимов мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан улғайиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялаш, йигит-қизларга истеъдодини намоён этишида яқиндан кўмаклашиш, ёшларнинг жамиятимиздаги ислоҳотлар жараёнида фаоллигини янада оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Ўз навбатида, ёшларимиз ҳам яратилаётган бундай қулайликлардан оқилона фойдаланиб, турли жабҳаларда сезиларли ютуқларга эришаётирлар.

Ана шундай замондошларимиздан бири — Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти катта илмий ходими, техника фанлари номзоди Абдумутолиб Отахоновдир. 26 ёшни қаршилаган бу олимнинг целлюлоза саноати корхоналарида хориждан олиб келиб қўлланилаётган реагентларни ўзимизда мавжуд хомашёлар асосида ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий изланишлари илмий жамоатчилик томонидан муносиб эътироф этилди.

Олимнинг бу борада ишлаб чиққан технологиялари институт лабораториясида ва бир қатор ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилиши иқтисодий самарадорлик ошишига хизмат қилаётир. Унинг йигирмага яқин илмий мақоласи мамлакатимиз ва хориждаги нуфузли илмий журнал ва тўпламларда чоп этилган. Айни пайтда жамоат ишларида ҳам фаол олимнинг интилишлари эътиборга олиниб, у "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Тадбирда ўқиш, иш, илмий ва ижодий фаолиятда юксак натижаларга эришаётган 25 нафар йигит-қизга "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони топширилди.

Мукофотланганлар давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда ёшлар камолоти борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдириб, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилишларини таъкидладилар.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

Байрам тадбири

Қорбобо меҳмонга боради

Кўп йиллик анъанага кўра, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти Янги йил арафасида яна бир хайрли тадбир уюштирди.

Бу гал жамоамизнинг Қорбобо ва Қорқизи Чилонзор тумани ҳокимлиги, «Совпластитал» корхонаси ҳамда «Кичик Дўмбробод» маҳалла қўмитаси билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги кўп болали оилалардан бирига ташриф буюрди.

Таҳририятимиз микроавтобуси шу маҳалладаги Раҳматовлар хонадони эшиги ёнида тўхтаганида, ушбу

(Давоми 2-бетда).

Ватан қадри четда билинар

Мана шу нарсанинг ўзи Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, эътиқоднинг гўдак қалби ва танига сингиб бораётганига мисол эмасми?

Ватан туйғуси ва унга муносабат ҳар инсонда ҳар хил шаклланган билан Ватанга интилиш, Ватанни қўмсаш, Ватанни севиб-ардоқламоқ унинг қанчалик маънавиятли, ақл-заковатли, теран фикрли эканлигига ҳам боғлиқ. Чунки ўз Ватанини сева олмайдиган, қадрлай олмайдиган, унинг ҳар бир зарраси, майсаси, бетакрор гўзаллигидан завқ ола билмайдиган киши, албатта, ҳаётнинг муаммолари, ғов-тўсиқларига дуч келаверади.

Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан, дейдилар. Мен яқинда хорижда бўлганимда бунга яна бир карра гувоҳ бўлдим. Самолёт ердан узилиб Ватандан чиқиши билан ғалати кайфиятга тушдим. Ўшанда гўёки мен ўзимни йўқликка инаётгандек, худди Ватанимдан узилгандек даҳшатли қўрқувни ҳис этдим. Ёнимда бир неча ҳамроҳларим бўлса-да, икки кундаёқ Ватанимни, фарзандларим, ота-она, қон-қариндош ва бағри кенг одамларнинг соғинчи қалбимни ўртай бошлади.



Мен у ерда пул топиш, молдунё орттириш илинжида юрган қиз ва аёлларни, йигитларни ўз ватанига қайта олмаётганини кўриб, жуда ачиндим. Ватаннинг қадрига етмаган, уни ҳурмат қилмаган кишиларнинг нечоғли хору зор бўлганининг гувоҳи бўлдим...

Ватаннинг суратини ёшлигимнинг, умримнинг азиз онлари ўтган она қишлоғимда отган ҳар тонгимда, ўтган ҳар кунимда, босган майсамда, ҳар дарахт япроғида туйиб, ҳис қилиб вояга етдим. Ҳар отган мусаффо ва серташвиш тонгимда Ватаннинг жамолини кўрдим. Пахта далаларида кечган ўсмирлигимнинг ҳар лаҳзаларида, тупроғи бўлиқ, серчанг кўчаларда чопган ҳар қадамимда Ватаннинг меҳрини ҳис қилдим.

Оддий қулбами, пахсадевор уйми, кошона қасрми ёки қадрдон гўшами — бари қалбингни, юрагинг қаърини эгаллаган, унга меҳр-муҳаббатинг сингиган юрт — бу Ватандир. Бу жой киндик қонимиз тўкилган азиз макон — Ватандир.

Мендан «Бахт нима?» деб сўрасалар, ўз уйинг, ўз ўлан-тўшагинг, ўз ғурурифтихоринг, ўз сўзингни ўзида мужассам этган она Ватанинг бўлса, шунинг ўзи — туганмас бахт, деган бўлур эдим. Ҳеч кимни ўзлигидан ва Ватаннинг гўзал жамолию камолидан, ўз Ватанида кечаётган тақдиру аъмолидан айирмасин, деган бўлур эдим.

Марям АҲМЕДОВА.

ЭШИТДИНГИЗМИ ?

«Corot» сунъий йўлдоши Ерга ўхшаш сайёраларни қидириш учун фазога муваффақиятли учирилди. «Ер овчиси» лақабли мазкур йўлдошга ўрнатилган телескоп самода 120 мингга яқин юлдузни ўрганади.

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Сиз «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари электрон нусхаси билан танишиш имконига эга бўласиз. Бунинг учун ушбу газеталар электрон нусхасига обуна бўлинг. Маълумот учун телефон (факс): 133-10-03

Қорбобо меҳмонга боради

(Давоми. Боши 1-бетда).

оила аъзолари: Ҳайдар ака, унинг ўғли Ҳамид, келини Зироат ва уларнинг фарзандлари — Феруза, Акбар ва Алишержонлар аввалига ҳайрон бўлишди. Лекин микроавтобуздан тушаётган Қорбобо ва Қорқизни кўриб, юзларида табассум пайдо бўлди. Албатта, «Совпластитал» ҳадя этган Янги йил арчаси ушбу хонадон соҳибларини жуда хушнуд этган бўлса, Қорбобонинг совғалари уларнинг қувончига қувонч қўшди.

Қорбобо ва Қорқиз бу хонадонга меҳмонга келган қўшниларнинг болаларига

ҳам ўзларининг совғаларини улашишганида, жажжи болакайларнинг кўзларидаги қувончни сўз билан ифодалашга тил ожизлик қилади.

— Бу оила доимий эътиборимизда, — дейди маҳалла оқсоқоли Камолжон Қаюмов. — Ўзингиз ўйланг: уй эгаси — етмиш тўрт ёшни қаршилаган Ҳайдар ака ногирон, унинг ўғли Ҳамид ҳам автоҳалокатдан сўнг ногирон бўлиб қолди. Ўн уч ёшли Алишер эса туғилганидан буён ногирон. Ушбу оиланинг келини Зироат шаҳар метрополитенида ишлайди. Маҳалла аҳли имкон қадар мана шу оилага ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилади. Маҳалламизда бугунги кунда саккиз мингдан зиёд киши, яъни уч ярим минг оила истиқомат қилади. Йигирма олтита кам таъминланган оила ҳам бор. Уларга биз алоҳида эътибор қаратамиз, ҳомийларимиз ҳам ёрдам кўрсатишади. Қурбон ҳайити ва Янги йил арафасида ушбу оилаларга турли совғалар туҳфа этилди.

Яна бир гап. Таҳририятингиз томонидан уюштирилган бугунги тадбир менга ва маҳалладошларимга катта қувонч бахш этди. Эътибор беринг: болакайларнинг кўзлари қувончдан порлаб турибди.

Ушбу эзгу ишларни амалга оширишда ҳомийларимиз, жойлардаги давлат органлари вакиллари, оддий фуқаролар ҳам фаол иштирок этишаяпти. Айтиш лозимки, мазкур хайрия ишларига туманимиз аҳли ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти. Бугун Чилонзор туманида 49 та маҳалла мавжуд. Уларда 218500 нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Тумандаги 55 минг оила ҳукуматимиз, жамоат ташкилотлари ва бизнинг доимий эътиборимизда.

— Ҳар йили туман ҳокимлиги Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ва «Камолот» ЁИҲ ва бошқа тегишли бўлимлар билан ҳамкорликда Янги йил арафасида хайрия тадбирлари уюштиради, — дейди Чилонзор тумани ҳокимининг ўринбосари Муаттар Содиқова. — Кириб келаётган йил биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ушбу йилда Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг ўрнини Ижтимоий ҳимоя йили эгаллайди.

Таъкидлаш лозимки, шу кунларда ҳокимлик ходимлари жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлар билан биргаликда республика «Шошилинч тиббий ёрдам» маркази ҳамда академик В. Воҳидов номидаги махсус жарроҳлик маркази, вилоят марказий клиникаси ва яна бир қатор шифо масканларида бўлиб, 300 нафардан зиёд болаларни кириб келаётган Янги йил байрами билан қутлашди. Ушбу тадбирларда қатнашган Қорбобо ва қорқизлар болаларимизга ўз совғаларини тарқатишди. Яна кўзи ожизлар ётоқхонасида яшовчи 150 нафардан зиёд фарзандларимиз ҳам эътибордан четда қолмади.

Умуман, ҳомийлар — «Совпластитал», «Чилонзор буюм» ва «Фарҳод» бозорлари ҳамда «Флагман» савдо мажмуаси ва бошқалар томонидан байрам арафасида совғалар учун 6 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Дарҳақиқат, таҳририятимизнинг Янги йил арафасидаги тадбири кўтаринки руҳда ўтди. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу байрам тадбирини уюштиришда бизга яқиндан ёрдам берган Марказий темирйўлчилар маданият саройи ва шахсан унинг директори Дилором Мансуровага ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Ушбу байрам тадбирида Қорбобо ва Қорқиз ролини қойилмақом ижро этган мухбирларимиз (Салим Дониёров, Ирина Серих) унинг қувноқ ва эсда қоларли ўтишини таъминлашди.

Салим ДОНИЁРОВ,
Александр АРИСТОВ,
«Халқ сўзи» ва
«Народное слово»
мухбирлари.
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган суратлар.

Бугун кимни кўрманг, қўлида уяли алоқа телефони бор. Лекин машина ҳайдаётган кишининг ушбу алоқа воситасидан фойдаланиши хавфли оқибатларни келтириб чиқаришини ҳамма ҳам ўйламайди. Инсон бир ҳолатда бир қанча вазифани бажара олишини биламиз. Лекин кўпчиликнинг имконият ва қобилияти бир хил эмас. Хаёли, фикрлари, нутқи, диққати ўзгага қаратилган ҳайдовчининг йўлларда йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиб, автомобиль бошқаришига ким кафолат бера олади? Қоидани бузган ҳайдовчиларнинг «кўрмай қолибман», «билмай қолибман», «эътибор бермабман» дейишлари, тушунтиришлари фикримиз далилидир.

Бизнинг шарҳ

РУЛДА ТЕЛЕФОНДА ГАПЛАШИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Ҳайдовчининг кўча ва йўллардаги ҳаракатини тартибга солиш учун йўл ҳаракати қоидалари жорий қилинган. Демак, ҳар бир йўлга чиққан ҳайдовчи унга амал қилиши шарт. Машина бошқараётган киши атрофдаги пиёдалар, бошқа автомобиллар ҳаракатини кузатиши, автомобиль тезлиги ва бир қанча ҳолатларга эътибор қаратиши керак бўлган бир пайтда яна уяли алоқада ким биландир, қайсидир мавзуда суҳбатлашиши... Суҳбатнинг мавзуига қараб инсон руҳияти ўзгаради, жисмоний ҳаракатига таъсир қилади. Айтайлик, тирбанд чорраҳада кетаётган автомобиль ҳайдовчиси телефон орқали яқин кишисининг нохуш аҳволи ёки фалокати ҳақида хабар эшитди. Унинг бирданига таъсирланиши, ҳаракатни тўхтатиб қўйиши ёхуд беихтиёр тезликни ошириб юбориши, умуман, бирор автоҳалокатни содир этиши эҳтимолдан холи эмас.

Кўпгина хорижий мамлакатларда рулда уяли алоқа воситасидан фойдаланиш анча илгари тақиқланган. Ва бу ҳолатлар қоидабузарлик ҳисобланиб, турли мамлакатларда муайян жарималар ундирилади. Интернет маълумотларига қараганда, Францияда рул бошқараётган ҳайдовчи уяли алоқасидан фойдаланса, 50-70 АҚШ доллари миқдорида жарима тўлайди. АҚШликлар эса 150 доллар тўлашади. Польшада бу ҳолат анча жиддий қонунбузарлик ҳисобланганини учун жарима миқдори 1200 АҚШ долларигача белгиланган. Португалия, Германия ва Россияда ҳам бу жарима миқдори анчайин катта.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2006 йилнинг ўтган 10 ойи давомида аниқланган йўл-транспорт ҳодисаси, айниқса, ҳайдовчиларнинг ҳаракат давомида чалғишлари оқибатида содир бўлган. Хусусан, ҳозирги кунда транспорт бошқариш чоғида телефондан фойдаланиш ҳайдовчининг чалғишига асосий сабаб бўлмоқда.

Тўғри, ҳозирда уяли алоқанинг турлари, айнан ҳайдовчилар учун қулай бўлган русумлари мавжуд. Ҳайдовчи сўзлашиб туриб, автомобилни бемалол бошқариши мумкин. Лекин маънан унинг бошқариш қобилияти анча сусаяди. Олимларнинг фикрича, ушбу ҳолатда автомобиль бошқаришда йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлиш эҳтимоли олти баробаргача ортаркан. Мельбурун университетининг профессори Кона Стоунинг узоқ кузатувлардан хулоса қилишича, одатда уяли алоқадан кўп фойдаланган инсонларда мияда қатъиятсизликка, ҳаракатда сустлашишга мойиллик ошаркан. Бунга электромагнит тўлқинлари сабабчи бўлар экан. У 120 нафар кўнгилли устидан тажриба ўтказганида, 70 фоизида ушбу ҳолатлар кузатилгани маълум бўлган.

Республикамизда ҳам бу масалага жиддий эътибор берилиб, транспорт воситаларини бошқариш чоғида ҳайдовчиларнинг мобиль алоқа воситаларидан фойдаланиши муносабати билан авариялар юз бериши эҳтимолини камайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини ҳимоя қилиш мақсадида икки палатали парламент томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун яқинда расмий эълон қилинди. Унга асосан, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш чоғида телефондан фойдаланиши тақиқланади.

Мансур РИХСИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси катта инспектори.

Ҳашар – ҳамма бирдек қатнашар

Халқимиз азалдан ҳашар йўли билан ўтказиладиган тадбирларга алоҳида эътибор қаратади. Шу боис ҳам юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, қурилишу ободончилик ишларининг йил бўйи давом этаётганига гувоҳ бўласиз. Миллатимизга хос бу хайрли анъананинг муҳим жиҳати шундаки, унга ҳар ким ўз инон-ихтиёри ила ҳисса қўшади.

Яқинда Фарғона вилоятининг Бувайда туманида бўлиб ўтган оммавий ҳашар ҳам бунинг ёрқин далилидир. Туманнинг 50 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, фермерлар ҳамда МТПлари жамоалари саъй-ҳаракати билан йўл бўйлари, ариқлар тозаланди. Бир ҳафта давом этган ушбу тадбирда барча фаол иштирок этди. Бегобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдусамад Абдуллаевнинг айтишича, суғориш тармоқларининг яхшиланиши туфайли келгусида экинлардан мўл ҳосил олишга пухта замин яратилди.

СУРАТДА: Оққўрғон қишлоғининг фаолларидан бири Шарофиддин Қамардинов ҳашарда.

Ғоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Бундан ўн беш йил муқаддам Президентимизнинг "Республика деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳақида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори қабул қилиниб, юртимизда деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этишга асос солинган эди. Эзгу мақсад ила бошланган ушбу оқилона сиёсат ўзини тўла-тўкис оқлади. Одамларимизнинг дунёқараши ўзгариб, уларда ерга, мулкка эгалик ҳисси шаклланиб бораётгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Агар "Бозор иқтисодиёти амалда қандай кўринишда ифодаланаяпти?" деган савол кўндаланг қўйилса, ҳеч иккиланмай, мустақиллигимиз қалдирғочлари бўлмиш фермер хўжаликлари фаолиятини жавоб сифатида кўрсатиш мантиққа мосдир. Чунки бугунги ер эгаси кечаги колхозчидан, фақат меҳнат ҳақида ўйлайдиган деҳқондан кескин фарқ қилади. Энди у ҳисоб-китобни пухта биладиган, фойдаю зарарни олдиндан кўра оладиган шахс сифатида намоён бўлмоқда. Бошқача айтганда, фермерлар том маънода қишлоқдаги асосий кучга айланиб улгурди.

Ислоҳот ва самара

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУНЁДКОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йилда "Ер кодекси", "Фермер хўжаликлари тўғрисида", "Деҳқон хўжаликлари тўғрисида", "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигининг, жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Айниқса, Президентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонидан сўнг соҳа ривожи янги босқичга кўтарилди.

Албатта, ҳар қандай фикр ва айтилаётган сўз ҳаётдаги жонли мисоллар орқали янада ойдинлик касб этади. Шу маънода, қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратсак. 2000-2006 йиллар мобайнида ҳукуматимиз қарорларига асосан, паст рентабелли ва истиқболсиз 1825 га яқин ширкат хўжалиги негизида 130 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари тузилди. Агар 1998 йилда мамлакатимиз бўйича жами 23 минг фермер хўжалиги фаолият юритган бўлса, бугунга келиб, уларнинг сони 185 мингдан ортиб кетди. Мана шу вақт ичида фермерлар ихтиёрига берилган ер майдони 7 баравар ўсиб, 4,7 млн. гектарни ташкил қилди. Ҳозир республикамиз бўйича бир фермер хўжалигига ўртача 26 гектар ер тўғри келмоқда. Муҳими, уларда 1,4 млн. дан ортиқ киши иш билан таъминланган.

Юртимиз далаларидан ҳар йили 3,6 млн. тоннадан ортиқ пахта, 6 млн. тоннадан зиёд ғалла йиғиштириб олинади. Айни пайтда етиштирилаётган "оқ олтин"нинг 85, ғалланинг эса 87 фоизи фермерлар улушига тўғри келаётган бўлса, улар томонидан қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг қарийб 50 фоизи ишлаб чиқарилмоқда.

Имтиёз – ер эгасига қувват

Юқорида айтиб ўтилган натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Эркин меҳнат қилиш учун яратиб берилаётган шароит, имконият ва имтиёз ютуқларнинг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, фермер хўжаликлари ташкил этилган дастлабки икки йил ичида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинган. Агар фермер лойиҳа асосида ўз ҳисобидан ер ўзлаштирган бўлса, бу унинг беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан холи эканлигига асос бўла олади. Мева ва узум етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари беш йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озоддирлар. Энг муҳими, республика Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг рухсатисиз ер эгаларининг фаолиятини текширишга чек қўйилди.

Шунингдек, хорижий технологияларни олиб кирган деҳқон ва фермер хўжаликлари божхона тўловларидан озод бўлдилар. Янги ташкил этилган, юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баравари, фермер хўжаликларига эса 300 баравари миқдорида бошланғич сармояларни бериш йўлга қўйилди.

Тугатилаётган ширкат хўжаликлари ҳудудида янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликлари ва аҳолига турли ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ташкил этиш ҳам алоҳида эътиборга олинди. Хусусан, 975 та мини банк, 1534 та муқобил МТП, 1301 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 1117 та нефть маҳсулотлари, 882 та минерал ўғит, 494 қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш, 68 та транспорт хизмати кўрсатувчи, 270 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати кўрсатиш шохобчаси, 72 та тара, идишлар ва қадоқлаш материаллари билан таъминлаш шохобчаси, 195 та агрофирма ташкил этилди.

Молия муассасалари хизматга шай

Ўтган давр мобайнида фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Келинг, шу ҳақда тўхталиб ўтсак.

Мижозларга кредит ажратиш жараёнида талаб қилинадиган ҳужжатлар соддалаштирилди ва асосий эътибор узоқ муддатли кредитлар беришга қаратилди. Шунингдек, тижорат банкларининг барча бўлимларида консалтинг хизматлари ташкил қилинди. Фермер хўжаликларига банк хизматидан фойдаланиш учун кенг қулайликлар яратиш мақсадида ҳукумат дастурларига асосан, 975 та мини банк ташкил этилиб, уларнинг сони республика бўйича 1787 тага етди. Ернинг ҳақиқий соҳибларига ўзимизда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналарини лизинг асосида бериш механизми такомиллаштирилди. Хўш, натижа қандай бўлди?

Аввало, фермер хўжаликларининг банк кредитидан эркин ва самарали фойдаланиш имконияти кенгайди. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги "Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, банклар томонидан Тошкент вилоятида ўзига хос тажриба ўтказилди. Яъни, имтиёзли микрокредитлар ажратишда амалий ёрдам кўрсатилиб, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизми йўлга қўйилди. 2001 йилнинг 1 январига қадар ушбу вилоятда юзлаб фермер хўжаликларига техника, уруғлик, чорва моллари, парранда, ем-хашак ва минерал ўғит сотиб олиш учун имтиёзли фоизларда 1854,9 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Айнан ўша йилдан бошлаб ушбу тажриба республикамизнинг барча ҳудудларида кенг жорий қилинди. Пировардида, 2006 йилнинг 9 ой якунига кўра, кичик бизнес субъектларига ажратилган 46,6 млрд. сўм миқдоридаги микрокредитларнинг қарийб 30 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликларига тўғри келди. Жорий йилда банк маблағлари ҳисобидан фермер хўжаликларига 931,0 млн. сўмлик ҳамда пахта ва ғалла ҳосилини аванслаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан 5841,9 млн. сўмлик қишлоқ хўжалик техникаси ва ускуналари лизинг асосида имтиёзли шартларда етказиб берилди.

Микрокредитлаш, Ипотека тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши туфайли иқтисодиётни ривожлантириш борасида ички сармоялардан янада кенгроқ фойдаланиш имконияти яратилди. Қонун қабул қилиниши билан ер молиявий балансларда акс эттирилди. Ерни гаровга қўйиб, кредит олиш имкониятлари ошди. Тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш кафолатланди.

Фермер хўжаликларини имтиёзли кредитлаш тартибини жойларда тушунтириш бўйича республика Марказий банки томонидан ўтказилган учрашувларда фермерлар кредитнинг қайтмаслигининг олдини олиш мақсадида тижорат банклари томонидан суғурталаш таклифи илгари сурилди. Марказий банк амалдаги йўриқномаларга ўзгартириш киритди ва 2004 йилдан бошлаб кредитларнинг қайтмаслик хатарини тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган бўлди. Натижада фермер хўжаликлари томонидан ушбу кредитлардан фойдаланганлик учун тўланадиган тўловлар йиллик 3 фоизгача камайтирилди.

Фермерларга бўлғуси ҳосил ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни таъминлаш мақсадида Марказий банк Молия вазирлиги билан биргаликда "Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом"ни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилди. Ушбу Низом асосида 2005 йилдан бошлаб давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта етиштирувчи барча фермер хўжаликлари ҳамда пахта етиштирувчи ширкат хўжаликларининг экинларни парваришлаш, ҳосил етиштириш билан боғлиқ харажатлари банк кредитлари ҳисобига амалга ошириладиган бўлди.

Қолаверса, кредитлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иш ҳаки ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш, минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини, хўжалик ихтиёридаги техникаларга эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини харид қилиш, МТП ва муқобил МТПлар, СФУлар хизматлари, муддати келган ягона ер солиғи, фойдаланилган электр энергияси ҳамда лизингга берилган техника воситаларининг лизинг ва суғурта тўловлари учун йўналтирилмоқда.

Ушбу мақсадлар учун тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига 2005 йилда 371,5 млрд. сўм, 2006 йилнинг 9 ойи давомида 571,5 млрд. сўм, шу билан бирга, инфратузилмани ривожлантириш учун 140,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Замон билан ҳамнафас

Фермерлар ўзларининг иқтисодий аҳволи мустаҳкамлангач, биринчи навбатда, зарур қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олишган бўлса, энди қайта ишлашни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бугунги кунда 3000 дан ортиқ ер соҳиблари мева-сабзавот, дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйдилар.

Хабарингиз бор, мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва кўрсатмалари билан яқинда пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазма-савдоси бўлиб ўтди. Унда мини технология ва ихчам ускуналар ишлаб чиқаришда жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб турган Германия, Франция, Исроил, Польша, Хитой, Россия, Туркия каби 25 мамлакатдан 200 га яқин компания ва фирмалар иштирок этди.

Шунингдек, 10 ноябрдан бошлаб "Ўзэкспомарказ" ҳудудида фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг доимий кўргазма-савдоси ташкил этилгани ҳам мамлакатимиз раҳбариятининг ишлаб чиқарувчиларга ғамхўрлиги намунасидир.

* * *

Шубҳасиз, фермерлик ҳаракати бундан кейин ҳам ривожланишда давом этади. Чунки, Президентимиз таъбири билан айтганда, ўз кучи ва имкониятига суяниб ва таяниб яшайдиган, ўзини, оиласини боқаётган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдорлар фермерлардир. Айнан шу одамлар жамиятимизнинг таянчи бўлиб, унинг ижтимоий асосини ташкил этади. Айнан шулар мамлакатимизни изчил ва барқарор ривожлантиришдан кўпроқ манфаатдордир.

Алиқул ЭРДОНАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, иқтисод фанлари доктори.

Куч – билим ва тафаккурда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилги Давлат стипендиатлари

ҚОДИРОВА Гулнора Анваровна
(Қишлоқ ва сув хўжалиги таълим йўналишлари бўйича)

1985 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент ирригация ва мелиорация институти «Сув хўжалиги ва мелиорация» йўналиши 4-курс талабаси. Аъло ўқиши билан бир қаторда, илмий конференция ва олимпиадалар ҳамда спорт мусобақаларида фаол қатнашиб келмоқда. 2003 йилда институт миқёсида «Чизма геометрия» фанидан ўтказилган олимпиадада 1-ўринни, «Назарий механика» фанидан ўтказилган олимпиадада фахрли 3-ўринни эгаллаган. 2004 йилда Қизлар ўртасида ўтказилган югуриш мусобақасида фахрли 3-ўринни, «Олий математика» фанидан ўтказилган олимпиадада фахрли 1-ўринни эгаллаган. Рус ва инглиз тилларида эркин сўзлашади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мелиорация тизимини ривожлантириш муаммолари ва истиқболларига бағишланган илмий-тадқиқот устида ишламоқда.

БОБОЖОНОВ Азиз Бобохонович
(Техника ва информатика таълим йўналишлари бўйича)

1985 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Информатика ва ахборот технологияси» йўналиши 4-курс талабаси. Республика миқёсида ўтказиладиган илмий конференция ва анжуманларда фаол қатнашиб келмоқда. 2005 йилда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилган «КЕЛАЖАК ОВОЗИ» республика ёшлари мегатанловида «Ахборот технологиялари» йўналиши бўйича грантни қўлга киритди. Шу йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ ва «LG Elektronics» компанияси ҳамкорлигида ўтказилган танловда «Ахборот технологиялари» йўналиши бўйича «LG гранти»га сазовор бўлди. «ТАШАББУС–2006» республика кўрик-танловида қатнашиб, факультет жамоасининг биринчи ўринни эгаллашига катта ҳисса қўшди. Рус ва инглиз тилларини чуқур ўзлаштирган.

Шу кунларда «Давлат бошқарувида ахборот-коммуникациялар технологияларидан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар» мавзусида илмий изланишлар олиб боряпти.

БЕГМАТОВ Ҳошимжон Жўрақулович
(Тиббиёт таълим йўналишлари бўйича)

1983 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Самарқанд тиббиёт институти даволаш факультети 7-курс талабаси. Институтнинг нурли диагностика ва нурли терапия ҳамда оториноларингология фанлари бўйича Илмий жамиятлари фаол аъзоси. Республика фан олимпиадаларида бир неча бор фахрли ўринларни эгаллаган. Жумладан, 2004 йилда «Фармакология» фани бўйича Республика фан олимпиадасида фахрли 3-ўринни, 2006 йилда 2-ўринни эгаллаган. 2001 йилдан буён республика иқтидорли талабалари илмий конференцияларида мунтазам қатнашади ва бир қатор Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Рус ва инглиз тилларини мукаммал ўрганган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 июндаги Фармонига биноан, «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан тақдирланган.

Бакалавриат таълим йўналишлари

Ҳозирги вақтда «Нур касаллиги, комбинацияланган радиацион-механик жароҳатланишларда организмдаги ўзгаришлар» мавзусида изланишлар билан банд.

АБДУАЗИЗОВ Дилшод Рустамович
(Иқтисодиёт таълим йўналишлари бўйича)

1986 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети «Иқтисодиёт» факультети 4-курс талабаси. Ўқиш давомида турли фан олимпиадаларида биринчиликни қўлга киритган. Жумладан, 2005 йил 18-19 май кунлари Тошкент давлат шарқшунослик институтида «Ўзбекистон иқтисодиёти» бўйича ўтказилган Республика фан олимпиадасида 1-ўринни эгаллаган. Худди шу йили республика талабалари учун таъсис этилган Давлат стипендиялари танловида қатнашиб, Навоий Давлат стипендияси соҳиби бўлди.

Бундан ташқари, турли илмий-амалий конференция ва семинарларда фаол қатнашади. Дилшод ўзи ўқийдиган факультетнинг «Ёш олимлар» кенгашида раис муовини. Рус ва инглиз тилларини мукаммал билади.

«Мамлакат иқтисодиётини бошқаришда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш масалалари» мавзусида илмий изланиш олиб бормоқда.

УМАРОВА Наргиза Баҳодировна
(Журналистика таълим йўналишлари бўйича)

1985 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети «Журналистика» факультети 4-курс талабаси. Ўқиш жараёнида қатор кўрик-танлов, олимпиадалар, турли маданий-маърифий ҳамда илмий-ижодий тадбирларда фаол иштирок этиб келяпти. Республикамизнинг турли матбуот нашрларида ижтимоий-сиёсий мавзуларга оид мақолалари билан чиқишлар қилиб турибди. Бундан ташқари, ўзи ўқийдиган университет қошида очилган «Нотиқлар гуруҳи»нинг етакчиси ҳисобланади. 2006 йилда университет миқёсида бўлиб ўтган «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари — энг олий қадрият» мавзуидаги талабалар илмий конференциясида фахрли биринчи ўринни, университет талабалари ўртасида ўтказилган «Нотиқ талаба» танловида фахрли иккинчи ўринни эгаллаган. Рус тили ва инглиз тилларини чуқур ўзлаштирган.

Ҳозирда «Мумтоз шеърият йўналишидаги асарларда публицистик пафос» мавзуида илмий тадқиқот олиб боряпти.

ИСМОИЛОВ Тўлқинбек Турғунбек ўғли
(Ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар таълим йўналишлари бўйича)

1985 йилда Сирдарё вилоятида туғилган. Тошкент давлат юридик институти «Жиноий-ҳуқуқий фаолият» факультети 4-курс талабаси.

Тошкент шаҳридаги маҳалла, мактаб, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ҳуқуқий билимларни бойитишга бағишланган семинарларда фаол иштирок этиб келмоқда. Бундан ташқари, спорт соҳасида кўплаб муваффақиятларга эришиб, юртимиз байроғини дунёда танитишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. TAEKWONDO спортининг ITF ва WTF йўналиши бўйича турли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган. 2004 йилда Кореяда ўтказилган Осиё ва Жаҳон чемпионатларида биринчи ўринни эгаллаган.

Институтдаги «Камолот» ЁИҲ Кенгаши аъзоси. «Маънавий мерос, қадриятлар, уларнинг шакллари» номли илмий-оммабоп рисола муаллифи. Рус ва инглиз тилларини мукаммал, корейс ва турк тилларини яхши ўзлаштирган. Матбуотда кўпгина илмий мақолалари чоп этилган.

ЭРКАБОЕВА Феруза Асилбековна
(Маданият ва санъат таълим йўналишлари бўйича)

1985 йилда Жиззах вилоятида туғилган. Миллий рассомлик ва дизайн институти «Рангтасвир» йўналиши 4-курс талабаси. 1998 йили Болалар бадиий ижодиёти марказининг I-даражали дипломи билан тақдирланган. 10 ёшидан буён республика ва халқаро кўргазмаларда асарлари билан қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ҳиндистонда ўтказилган «Шанкар-99» халқаро кўргазма-танловида анъанавий маросимларимизга доир «Тўй» асари учун кумуш медал билан тақдирланган. Чехияда ўтказилган «LIDICE–2000» халқаро фестивалида «Малика» номли рангтасвир асари учун фестивал сертификатини қўлга киритган. Рус ва инглиз тилларида эркин сўзлашади.

Ф.Эркабоева юзга яқин бадиий асар муаллифи. Энг сара асарлари Япония, Ҳиндистон, Чехия, Миср, Саудия Арабистони, Голландия ва бошқа мамлакатларда намойиш этилиб, юқори баҳоланмоқда.

МАМАРАСУЛОВ Даврон Ҳасанович
(Чет тиллар таълим йўналишлари бўйича)

1985 йилда Фарғона вилоятида туғилган. Фарғона давлат университети «Немис тили» йўналиши 4-курс талабаси. Барча фанлардан юқори рейтинг натижаларига эришганлиги билан бир қаторда, республика миқёсидаги турли илмий-амалий анжуманларда мунтазам қатнашиб келади. Илмий мақолалари билан матбуотда чиқишлар қилиб турибди. Университет «Камолот» ЁИҲ ташкилотининг фаол аъзоси. 2005 йилда Германия Федератив Республикаси Маданий ва маърифий ишлар вазирлигининг Германиянинг исталган олий таълим муассасасида имтиёзли билим олиш ҳуқуқини берувчи «DEUTSCHES SPRACHDIPLOM» (Немис тили дипломи)ни қўлга киритган. Унинг «Немис тили фанидан қўлланма», «Немисча-ўзбекча универсал луғат» номли китоблари нашр қилинган. Рус, немис ва инглиз тилларини яхши билади.

Шу кунларда «Немис ва ўзбек тилларида феъл синонимлари» мавзусидаги битирув малакавий иш устида изланиш олиб бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

олий таълим муассасаларида талабаларни илмий-тадқиқот, ижодиёт ва бунёдкорлик фаолиятига кенг жалб этиш, аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг юқори малакали, мустақил ижодий фикрлайдиган етук илмий ва илмий-педагог кадрлар сифатида шаклланишларига кўмак бериш мақсадида:

- Педагогика, психология, таълим ва тарбия.
- Тарих, фалсафа, ҳуқуқ. Маданият.
- Иқтисодиёт, туризм ва сервис.
- Ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари.
- Техника ва технологиялар. Энергетика ва энергияни тежаш.
- Табиий фанлар.
- Кимё ва кимёвий технологиялар.
- Қишлоқ ва сув хўжалиги. Ер ва сув ресурслари.
- Механика, машинасозлик ва машинашунослик.
- Архитектура ва қурилиш.
- Пахта тозалаш, тўқимачилик, матбаа, енгил ва озиқ-овқат саноатлари.
- Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш. Экология йўналишлари бўйича иқтидорли талабалар, аспирант, докторан ва тадқиқотчиларнинг энг яхши илмий ишлари

Танловда республиканинг барча олий таълим муассасалари иқтидорли талабалари ҳамда барча олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг аспирант, докторант ва тадқиқотчилари иштирок этишлари мумкин.

Танлов ғолиблари иқтидорли талабалар ўртасида 2007 йил 22-24 февраль кунлари Ўзбекистон Миллий университети базасида аспирант, докторант ва тадқиқотчилар ўртасида, 2007 йил 15-17 март кунлари Тошкент давлат техника университети базасида бўлиб ўтадиган республика илмий-амалий анжуманидаги илмий маъруза (тақдимот)лар натижаларига кўра аниқланадилар.

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ.

Танловнинг ҳар бир йўналиши бўйича ғолиблар вазирликнинг Фахрий ёрлиқлари ҳамда қуйидаги тартибда пул мукофотлари билан тақдирланадилар:

Иқтидорли аспирант, докторант ва тадқиқотчилар ўртасидаги ғолиблар:
1-ўрин учун — 300 минг сўм;
2-ўрин учун — 200 минг сўм;
3-ўрин учун — 150 минг сўм.

Иқтидорли талабалар ўртасидаги ғолиблар:
1-ўрин учун — 200 минг сўм;
2-ўрин учун — 150 минг сўм;
3-ўрин учун — 100 минг сўм.

Танловга ҳужжатлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни тегишли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларидан ёки вазирликнинг илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимидан олиш мумкин.
Телефонлар: 361-42-57, 152-77-59, 152-77-61.
E-mail: branchsc@edu.uz

«ИПАК ЙЎЛИ» БАНКИ

Ўзбекистон аҳолиси ва ўз мижозларини

КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ — 2007 ЙИЛ

билан табриклайди!

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва ишларингизда муваффақият тилаб қолади!

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Русэлпром ВЭМЗ Дилер

РУСЭЛПРОМнинг Ўзбекистондаги эксклюзив вакили
Россия электротехника концерни

ЭЛЕКТРДВИГАТЕЛЛАР ВА НАСОС УСКУНАЛАРИ

Тўлов — сўм ва эркин муомаладаги валютада.

- Владимир электрмотор заводи (ВЭМЗ)
- Ленинград электрмашинасозлик заводи (ЛЭЗ)
- Сафонов электрмашинасозлик заводи (СЭЗ)
- «Росгидромаш» (Орёл шаҳри)

Тошкент шаҳридаги божхона терминалидан тўғридан-тўғри етказиб берилади. Товар сертификатланган

Телефонлар: 133-01-82, 68-67-02.
www.vemz-diler.ru E-mail: info@vemz-diler.ru

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ —

«ҒАЛЛАБАНК»

мустақил республикамизнинг барча аҳолисини ҳамда ўзининг доимий мижозларини кириб келаётган

Янги — 2007 йил билан

муборакбод этади!

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилида ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, бахт-саодат тилайди ва миллий валютада қуйидаги муддатли ва жамғармали янги жозибадор омонат турларини таклиф этади:

- **«Mukofot» омонат турига маблағлар** *2 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз* **устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 100 минг сўм.**
- **«Sovg'a» омонат турига маблағлар** *3 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз* **устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, фоизлар омонат қўйилган куни, яъни олдиндан тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 500 минг сўм.**
- **«Mehr» омонат турига маблағлар** *6 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз* **устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 100 минг сўм.**
- **«Mo'jiza» жамғармали омонат турига маблағлар** *11 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз* **устама тўлаш шарти билан қабул қилиниб, дастлабки қўйилган омонат устига хоҳлаган вақтда қўшимча маблағ қўйиш мумкин. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори — 100 минг сўм қилиб белгиланган.**

Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши «Ғаллабанк» томонидан кафолатланади.

«Ғаллабанк» омонатлари келгуси даромадларингиз кафолатидир!

«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

IPOTEKA BANK

Yangi yilingiz qutlug' bo'lsin, aziz yurtdoshlar !

Хизматлар лицензияланган

kdb

UzKDB Bank

UzKDB Bank

sincerely congratulates the population of Uzbekistan and its customers on the

New Year 2007!

Sharing the joy of the holiday, we wish You Health, Happiness and Peace! Let the New Year bring all the best to our Uzbekistan!

UzbekLeasing
International AO

«Ўзбек Лизинг Интернейшнл А.О.»
халқаро лизинг компанияси

Ўзбекистон халқини кириб келаётган 2007 йил билан чин дилдан табриклайди!

Янги йил барчамизга бахт-саодат ва омад келтирсин.

"Ўзбек Лизинг Интернейшнл А.О." — воқеликка айланаётган ғоялар.

Тел.: 114-64-44, 114-64-46, 139-16-54, факс: 120-67-29
www.uzbek-leasing.com
e-mail: uzlease@sarkor.uz

3765R/2990

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР

Кегайли туманилик 1 минг 200 дан зиёд ишбилармон хотин-қизлар "Тадбиркор аёл" уюшмасига аъзо. Уюшма томонидан шу йилнинг ўзида уларга 232 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Уюшманинг "Қозонкеткен", "Қуқанатов", "Эркиндарё", "Қизилуй" овул фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги бўлимлари қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантиришга, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Туман тадбиркор аёлларининг Янги йил байрами арафасида бўлиб ўтган йиғилишида шу ҳақда гап борди. Улар мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар учун миннатдорлик билдириб, аёлларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ўзаро фикр алмашдилар.

А. ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йилда 6 та янги қуриладиган, 2 та реконструкция қилинадиган касб-ҳунар коллежи ва 12 та янги қуриладиган, 26 та реконструкция қилинадиган умумтаълим мактабига пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ўтказилган танлов савдолари натижаларини эълон қилади.

ЯНГИ ҚУРИЛИШ

1. Балиқчи тумани, Хўжаобод қишлоғидаги 720 ў/ў тиббиёт касб-ҳунар коллежи қурилиши.
Танлов ғолиби — «Улуғнор Рамзи» КТКК. Нархи — 2 345, 1 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 230 кун.
2. Олтинкўл тумани, Ашуров номли ш/ҳдаги 720 ў/ў автомобилсозлик касб-ҳунар коллежи қурилиши.
Танлов ғолиби — «Андижонтаъмирқурилиш» МЧЖ. Нархи — 2 160,7 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 265 кун.
3. Жалолқудуқ тумани, Ойим қишлоғидаги 720 ў/ў енгил саноат касб-ҳунар коллежи қурилиши.
Танлов ғолиби — «Андижонвилоятқурилиш» ОАЖ. Нархи — 2 148,5 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 280 кун.
4. Пахтаобод тумани марказидаги 720 ў/ў тиббиёт касб-ҳунар коллежи қурилиши.
Танлов ғолиби — «Андижон КМК» МЧЖ. Нархи — 2 062,5 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 241 кун.
5. Қўрғонтепа тумани марказидаги 720 ў/ў тиббиёт касб-ҳунар коллежи қурилиши.
Танлов ғолиби — «Андижонсувқурилиш» АЖУ. Нархи — 2 147, 4 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 293 кун.
6. Булоқбоши тумани, Учтепа қишлоғидаги 720 ў/ў агросаноат касб-ҳунар коллежи қурилиши.
Танлов ғолиби — «Боғишамол» АЖУ. Нархи — 2 265,3 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 240 кун.

КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ

1. Асака шаҳридаги 600 ў/ў техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Транстаъмирлаш» КТИЧК. Нархи — 1 154,1 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 175 кун.
2. Хўжаобод туманидаги 720/50 ў/ў тиббиёт касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Хон» МХИК. Нархи — 1 011,9 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 240 кун.

ЯНГИ ҚУРИЛИШ

1. Булоқбоши туманидаги 27-сонли умумтаълим мактаби қурилиши.
Танлов ғолиби — «Боғишамол» КТИЧСФ. Нархи — 1 170,094 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 220 кун.
2. Избоскан туманидаги 7-сонли умумтаълим мактаби қурилиши.
Танлов ғолиби — «Ҳамкор транс барака» МЧЖ. Нархи — 615,0 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 240 кун.

КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ

1. Андижон шаҳридаги 20-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Бунёдкор саноат» МЧЖ. Нархи — 347,9 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 180 кун.
2. Андижон шаҳридаги 47-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Бунёд гранд сервис» МЧЖ. Нархи — 410,2 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 210 кун.
3. Асака шаҳридаги 6-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Таълимтаъмирқурилиш» ИЧК, Марҳамат т. Нархи — 279,2 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 210 кун.
4. Асака туманидаги 2-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «8-МКС» МЧЖ. Нархи — 229,0 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 210 кун.
5. Асака туманидаги 47-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Юксалиш ФАХ» МЧЖ. Нархи — 270,0 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 210 кун.
6. Балиқчи туманидаги 17-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Нодир ЛТД» МЧЖ. Нархи — 317,165 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 189 кун.
7. Балиқчи туманидаги 18-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Имкон» КТХФ. Нархи — 214,592 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 190 кун.
8. Балиқчи туманидаги 45-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Улуғнор Рамзи» КТКК. Нархи — 252,0 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 260 кун.
9. Булоқбоши туманидаги 12-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Улуғнор Рамзи» КТКК. Нархи — 225,0 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 261 кун.
10. Бўз туманидаги 5-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Зиё-2002 МХ» ХКСФ. Нархи — 278,328 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 210 кун.
11. Жалолқудуқ туманидаги 23-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Жалақудуқ МПМК» ИЧК Нархи — 225,0 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 260 кун.
12. Жалолқудуқ туманидаги 33-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Омад маркет» ХИЧСФ. Нархи — 292,0 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 210 кун.
13. Марҳамат туманидаги 5-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Марҳамат 112 қурилиш» МЧЖ. Нархи — 268,1 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 210 кун.
14. Марҳамат туманидаги 33-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «9-МКС» МЧЖ. Нархи — 208,04 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 180 кун.
15. Олтинкўл туманидаги 4-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Юксалиш ФАХ» МЧЖ. Нархи — 295,0 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 210 кун.
16. Олтинкўл туманидаги 35-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Мадад Панох» ХСИЧФ. Нархи — 323,68 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 162 кун.
17. Пахтаобод туманидаги 16-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Сиза текстил» МЧЖ. Нархи — 349,55 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 257 кун.
18. Шаҳрихон туманидаги 9-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Анд Кубо» ХК. Нархи — 353,4 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 180 кун.
19. Шаҳрихон туманидаги 18-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Рич Трейд» МЧЖ. Нархи — 205,0 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 238 кун.
20. Қўрғонтепа туманидаги 25-сонли мактаб-интернатни реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — КТ «Технолог» КМИЧК. Нархи — 289,555 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 180 кун.
21. Қўрғонтепа туманидаги 32-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Анд. Тех.Наз.» МЧЖ. Нархи — 189,6 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 150 кун.
22. Избоскан туманидаги 25-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Избоскантаъмирқурилиш» МЧЖ. Нархи — 325,96 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 176 кун.
23. Хўжаобод туманидаги 19-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Андижонэнергоқурилиш» МЧЖ. Нархи — 307,767 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 250 кун.
24. Хўжаобод туманидаги 3-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Улуғнор Рамзи» КТК. Нархи — 312,407 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 258 кун.
25. Андижон туманидаги 12-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Андқурилиш барака» МЧЖ. Нархи — 239,5 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 170 кун.
26. Андижон туманидаги 23-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш.
Танлов ғолиби — «Водий равнақи» МЧЖ. Нархи — 554,502 млн. сўм. Тугаллаш муддати — 172 кун.

Буюртмачи — Андижон вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳкўчаси, 45-уй.). Тел.: 224-19-97.

3769R/2974

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!
«TOShShAHARNUR»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ
барчангизни
Қурбон ҳайити айёми ва Янги йил байрами билан муборакбод этиб,
СИЗЛАР УЧУН ЯНГИ НОЗИМЛИК ХИЗМАТИ ОЧИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.
ШАҲРИМИЗ КЎЧАЛАРИ, МАҲАЛЛАЛАРИ ВА МАВЗЕЛАРИНИ ТУНГИ ЁРИТИШ БЎЙИЧА ФУҚАРО ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:
132-20-20, 150-21-21.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК

ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- ХИЗМАТ РАҲБАРИ — 1 КИШИ;
- ХИЗМАТ АУДИТОРЛАРИ — 8 КИШИ.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- *олий маълумот ҳақидаги диплом;*
- *малака сертификати бўлиши лозим;*
- *сўнгги ўн йилнинг камида охирги икки йили давомида бухгалтерия ҳисоботи, аудит, молия ва солиқ назорати соҳасида тажрибага эга бўлишлари керак.*

Номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотлар (резюме)ни қуйидаги манзилга юборишлари мумкин: Тошкент ш., Т. Шевченко к., 7-уй. Телефонлар: 138-87-10, 138-87-23, 138-87-08.

«ПЕТРОНАС» компанияси Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Қурбон ҳайити байрами ва Янги — 2007 йил билан чин қалбдан табриклайди!
Сизларга бахт, соғлиқ ва муваффақиятлар тилаб қолади.

PETRONAS

МИЛЛАТЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ҚУДРАТ

Адабиёт моҳият-эътибори билан инсон тарбияси, аниқроғи, инсон туйғуларининг тарбияси билан шуғулланувчи санъатдир. Бизнинг барча хатти-ҳаракатларимиз асосида атроф-муҳит ҳақидаги тушунчаларимиз ҳосиласи бўлган хоҳиш-истакларимиз ётади. Хоҳиш-истакларимиз нафақат бизнинг, балки атрофимиздагиларнинг ҳам хатти-ҳаракатларини бошқарувчи ёки энг камида уларга таъсир қилувчи кўзга кўринмас қудратдир.

Адабиётда нима ҳақида ва қандай рамзлар воситасида ёзилишидан қатъи назар, у инсон қалбидаги шодликлар, қайғуларни, ҳайратлар, миллион хил номли ва номсиз туйғуларни тадқиқ этади. Инсон севади, изтироб чекади, шодланади, нафратланади. «Коинотнинг гултожи» деб улуғланган бу зот баъзан шундай тубанликларга қодирки, эшитиб ақлинг бовар қилмайди. Ёқангни тутиб истиғфор айтасан. Адабиёт ана шуни тадқиқ қилади.

Коинот гултожи
инсондир азал,
Ундадир беқиёс
тафаккур тугал.
Ҳатто у тубанлик
ичра ҳам танҳо,
Ё Фалак! Ижодинг
бунча мукаммал.

Яқинда матбуотда ўқиб қолдим. Олимлар халқаро оилалар қуриш ҳақидаги бир хулосага келибдилар. Ижтимоиюнларнинг фикрича, турли миллат вакилларидан тузилган оилалар халқларнинг бир-бирига яқинлашувига хизмат қилар эмиш. Бу — XXI аср олимларининг хулосалари, Бундай фикрдаги олимлар ўтган асрда ҳам бор эдилар. Аммо адабиётда ўрта асрларда Ҳазрат Навоий «Хамса»сида халқаро севги-муҳаббат ҳақида гап боради: Фарҳод — чин Ҳоқонининг ўғли, Ширин — арман маликаси. «Лайли ва Мажнун»да Қайс ҳам, Лайли ҳам — араб. Фақат қабилалар бошқа-бошқа. Лайлининг отаси кибрга ва манманликка берилиб, жигарпорасини нобуд қилади. Айтмоқчи бўлганимиз, адабиёт ҳаётдан олдинда юради.

Бугунги кунда ўзбек ва тожик халқлари ҳақида кимдир ажойиб иборани топиб айтган: **«Тил бошқа-ю, дил бирдир, чунки эл бирдир».**

Мана шу бутун дунё халқлари ҳавас қиладиган ажойиб дўстликнинг ҳам ижодкори, шубҳасиз, адабиётдир. Бу икки халқ фарзандлари шу даражада бир-бирига яқинки, баъзан ким кимнинг боласи эканини билмай қоласан. Ҳазрат Навоий ва Жомийлар ўртасидаги дўстликнинг сабаби адабиёт эканига шубҳангиз борми? Ғафур Ғуломнинг ажойиб ибораси машҳур. Унда Мирзо Турсунзоданинг тожиклиги, Ғафур Ғуломнинг ўзбеклиги пайров қилинади.

Адабиёт — азалдан халқлар аро дўстлик элчиси, дедик. Бу элчилик халқ оғзаки ижодидан бошланади. Гўрўғлини ўзбек ҳам, туркман ҳам, тожик ҳам ўзиники деб ўйлайди ва куйлайди. Бу борада яхшигина тадқиқот олиб борилса, қанчақанча халқларнинг оғзаки ижоди бир чашмадан сув ичгани аниқ бўлиб қолаверади. Айтмоқчи бўлганимиз, халқларни ўзаро тотувликда яшашлари, миллий маҳдудликдан узоқ бўлишлари нақадар зарур бўлса, бу борада «Атомдан кучли» бўлган адабиётнинг ўрни беқиёс. Адабиёт комил инсон тарбиясида ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган беназир воситадир.

Халқ сўзи

Самарқанд — ер юзининг сайқалидир

Самарқанд

Жаннат дарвозаси, Ер юзи кўрки,
Қон-қариндош янглиғ миллатлар юрти,
Мовий гумбазлари бобомнинг бўрки,
Боболардан мерос қолган Самарқанд,
Ер юзидан қиёс олган Самарқанд.

Суви Хизр суйидир оби Раҳматнинг,
Ели жаннат ели, боғи давлатнинг,
Себи Самарқанднинг шарбатин айтинг,
Ул боис қизлари шакарханд дерлар,
Самари қанд дерлар, Самарқанд дерлар.

Иккита қутбида икки пайғамбар,
Ўртада етмиш минг авлиё ётар,
Ҳу десанг, ҳу-ҳулаб етти пир етар,
Муқаддас руҳларга макон Самарқанд,
Ватан вужуд бўлса, имон Самарқанд.

Назари тушмиш уч соҳибқироннинг,
Гавҳари саналар буюк Туроннинг,
Улуғбек тарҳини чизган осмоннинг,
Ердаги машъали бўлган Самарқанд,
Ҳавоси нашъали бўлган Самарқанд.

Оҳайлик тоғида Оппоқ отаздир,
Шаҳид Ҳожи бобом шунда ётадир,
Армони кўнгилга тиғдай ботадир,
Ҳар ўтсам кўнгилга озор Самарқанд,
Юзлаб шаҳидларга мозор Самарқанд.

Тупроғин тутиё қилсин басирким,
Файзи етиб ётар олти асрким,
Хожайи Аҳрорни билмас ахир ким?
Пойида подшолар фидо Самарқанд,
Руҳий дунёлардан нидо Самарқанд.



GURUNG

Самарқандликларнинг кулгиси ўзига хос, бетакрор. Ҳатто кулги номи билан боғлиқ жойлари ҳам бор. Маҳаллотилар кулгиси, дейлик, ўзгача бўлса, Галатепанинг сухани яна ўзгача.

Бир чимдим кулги

Бу кулги ҳақида таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст «Мустафо», «Истеъфо» қиссаларида, «Лолазор» романида муфассал маълумот берган. Ургутнинг хандасини санъаткорлар Ортиқ ва Зокир қизиқчилар қисман экранга олиб чиқиб, анча машҳур бўлишди. Файзи Ҳайдаров деган ургутлик бир журналист бор. Агар Ортиқ билан Зокир шу одам билан олти ой тўйма-тўй юришса, 6 йил узлуксиз янги-янги дастурлар бериб бориши мумкин бўларди. Ургутнинг Омонқўтонида эса Файзи ака ҳам билмайдиган кулги бор. Бу ердаги кулги кўпроқ маиший мавзуларда бўлади. Марҳум устоз Болта Ортиқзода «Афандининг ўғли» номли бир романни икки тилда ёздилар. Ана шу китобда бу кулги ҳақида дуруст маълумотлар бор. Қуйидаги ҳангома шу китобдан олинган.

Музлатгичнинг калити

Бу латифа маҳалламизда туғилган. 1994 йилда ҳукуматимиз томонидан самарқандлик ёш ижодкорларга янги уйлар берилди. Қизиқчилар Ортиқ ва Зокир ҳам биз билан бир «дом»да бўлгани учунми, ҳар куни ҳазил-ҳузул билан икки-уч соат мутойиба бўларди.

Қўшнилар ҳам биз қатори кўчиб келишган, шулардан биров овозини баралла қўйиб, ҳар кимнинг хасислиги устидан латифа тўқиб кулиб юради. Ўзига сув юқтирмайди. «О, одамлар, меҳмон келса, олдига қўяман деб, ширинликларини сандиққа солиб, қулфлаб қўяр эканей. Қўй, ундан кўра бачалар есун». Бу унинг ҳар куни такрорлайдиган гапи эди.

Бир куни ҳамма тўпланган, акамиз каллани чайқаб гурунг бераяптилар. Қизчаси чақириб қолди.

— Бор, боравер, ҳозир, — деди-ю, яна мақтанишга тушди.

Бола яна икки марта келдиям бунинг гапи тугамади. Охир қизчанинг тоқати тоқ бўлди.

Отаси бир лаҳза гапдан тўхтаб:

— Нима дейсан, боравер, ҳозир бораман дедим-ку! — деди.

Бола-бола-да, очиқчасига кўчиб кўя қолди.

— Дада, меҳмон келган, музлатгичнинг калитини беринг, ўзингиз борма-сангиз ҳам майли, — деди.

Шу қўшнимиз кўп ўтмай кўчиб кетди, биз ҳам шовқиндан қутулдик.

Шофёрни алмаштириш керак

«Қўшнимиз Ортиқ Султонов машина олибди» деган гапни эшитдим-у, ҳеч кўрмагандим. Бир куни ишдан қайтар маҳалим Ортиқ билан Зокиржон бориб қолди.

Эскироқ қизил «Жигули» рулида Ортиқжон.

— Юринг, ака, машинада олиб кетаман! — деб қолди у.

Йўлкира чўнтакда қоладиган бўлди, деб биз ҳам хурсанд. Ўтирдик. Уй билан ишхона 6 чақирим, икки чақиримлар юргач, машина ўчиб қолди. Ортиқ рулда, Зокир икковлашиб итариб кетиб бораяпмиз. Терга тушиб кетганмиз, баландлик келса, Ортиқ ҳам тушиб рулни ташқаридан бошқаради. Эшикка елкасини қўйиб итаради.

— Машинани алмаштиришим керак-да! — деб кўяди хижолат чекиб.

— Қандай алмаштирасан, шунга зўрга етдинг-ку? — дейди Зокир алами ичида.

Икки чақиримлар суриб бордиг-у, бир мўминнинг бизга раҳми келди чоғи:

— Қани, бир кўрайлик-чи, — деб капотни очди, бир-икки чуқилаб, нима қилди, билмаймиз, техникадан учаламиз ҳам авом.

— Ёқинг-чи, — девди, мотор ишлаб кетди.

— Зокиржон, — дедим Ортиққа тегиштириб, — бу машинани эмас, шофёрни алмаштириш керак экан-да.

Сен ҳам ўхшайсан

Челакда Кавказ томондан келиб қолган қавмдошларимиз кўп бўлгувчи эди. Шулардан бири — Измир чол кексайганда бир худойи қилмоқчи бўлибди-ю, бозордан қўчқор сотиб олиб уйига етаклабди. Ярим йўлга боргач, ҳалиги қўчқор тўрт оёғини тираб туриб олибди. Чол ипидан тортибди, қуйруғига арқон солиб судрабди, ҳеч бўлмагач, жаҳлланиб:

— Чўчқа экансан-ку, чўчқага ўхшайсан! Юрмайсанми! — дебди жаҳл билан.

Буни кузатиб турган бировнинг қитмирлиги тутибди.

— Измир бобо, буни олиб бориб нима қилмоқчисиз? — дебди ўсмоқчилаб.

— Бир худойи қилай, девдим, менинг ҳам ёшим бир жойга бориб қолди. Кетиб қолсам, болаларнинг эсига келадими-йўқми?

— Бу бўмайди, — дебди ҳалиги киши бошини чайқаб.

— Нега бўмийди, чироғим? — ҳайрон бўлибди чол.

— Сиз буни «чўчқа» дедингиз. Чўчқа қурбонликка ярамайди. Бунинг гўшти ҳаром бўлди, — дебди.

Чол бозорга қайтиб, бошқа қўй сотиб олибди. Ҳалиги ерга келгач, буям тихирлик қила бошлабди, шунда чол қўйга қараб:

— Сен ҳам ўшанга ўхшайсан-ку-я, айтувга бўлмас-да, — дермиш алам билан.

Олтови ҳам турибди-ку!

Бировнинг уйига меҳмон келибди, дастурхонга нозне ъматлар қаторида хурмо ҳам қўйилибди.

— Олинг, меҳмон, хурмодан ҳам енг, — мулозамат қилибди мезбон.

— Едим, раҳмат, — дебди меҳмон тавозе билан, — икки-учта едим.

— Икки-учта эмас, тўртта едингиз-ку, меҳмон?

Меҳмон изза бўлибди, еганимни санаб ўтирган экан, деб ўйлабди. Янаги сафар келганида яна хурмо қўйилибди. Бу сафар меҳмон битта ҳам емасдан ўтираверибди.

— Олинг, меҳмон, хурмодан енг, — яна мулозамат қилибди мезбон.

— Раҳмат, кўп едим, — дебди меҳмон шунчаки йўлига.

Мезбон идишга бир қарабди-ю:

— Кўп едим, дейсиз, ўзи олтита эди, олтови ҳам турибди-ку? — дермиш.

Саҳифани самарқандлик муаллифимиз Ориф ҲОЖИЕВ тайёрлади.

Табиат туҳфаси

Беҳининг минг бир хосияти

БЕҲИ — эзгулик маъносини англатади. Беҳининг баргидан илдизигача фойдали.

Шу боисдан ҳам қадим замонлардан буён беҳи дарахтини ҳар бир хонадонда, ҳар бир ҳовлида ўтказиш ва парвариш қилиш одат тусини олган.

Муҳаммад Ҳусейн Шерозийнинг ёзишича, беҳининг барча навлари, айниқса, яхши пишгани киши руҳиятига яхши таъсир қилади, тетиклаштиради, кайфиятни кўтаради. Бош оғриғини бартараф қилади, юракка, жигарга ва ошқозонга қувват беради, иштаҳани очади, оғиздаги бадбўйни даф қилади.

Ибн Синонинг ёзишича, беҳи шарбати астма, қон кетиши, қусиш, хумор ҳамда чанқоқни босади.

МЕВАСИ. Йўталга шифо бўлиши учун беҳи қайнатилиб, сариёғ ва асалга қўшиб истеъмол қилинади. Беҳи меваси токчаларга териб қўйилса, биринчидан, кўз қувонади, иккинчидан, ўзидан хушбўй ҳид таратиб, уйнинг ҳавосини тозалайди, кишининг кайфиятини кўтаради.

УРУҒИ. Агар оғзингиз қурийдиган одатингиз бўлса, 2,3 донасини тилнинг тагига олиб, 2 соат сақлайсиз. Маърузачи ўзини яхши тутиши учун маърузадан 20-30 минут олдин тил тагига ташлайди, маъруза вақтида 1 донасини қолдиради.

Беҳи уруғидан олинган мой совуқдан ёрилган терига суртилса юмшатади.

НОВДАСИ ВА БАРГИ. Беҳининг новдаси ва барги 15 дақиқа қайнатилиб ичилса, қанд касаллиги ва гипертонияга қарши наф беради.

Ширчой қилинганда, беҳи шохчалари сувда қайнатиб олинган, бунда учта фойда бор, биринчидан, ширчой хуштаъм, хушхўр бўлади. Иккинчидан, ширчойнинг ранги гулоби-чиройли бўлади. Учинчидан, сут таркибидаги зарарли моддаларни бартараф қилади.

Барги июль-август ойларида териб олиниб, соядa қуритилгач, чой қилиб ичилса, бу ички аъзоларни тозалашда яхши воситадир.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.00 1 2 3 5 6